



МАҲАЛЛАЛАРДА УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ЯГОНА ЁНДАШУВ АСОСИДА ИШЛАШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА



ТОШКЕНТ - 2023

А.Жалилов, А.Саъдуллаев, А.Юнусов, А.Муртазаев, Ф.Абляров,
З.Лухманова.

Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ягона ёндашув асосида ишлаш бўйича методик қўлланма/Масъул муҳаррир: с.ф.д.проф. Қуранбаев Қ.К. – Т., Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, 2023. – 42 б.

Ушбу методика маҳалла масъулларига (маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика (катта) инспекторлари, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, мактаб директорлари) “уюшмаган ёшлар” билан ягона ёндашув асосида ишлашни йўлга қўйиш мақсадида тайёрланган.

Методик қўлланма “уюшмаган ёшлар” (NEET Youth) ўртасида, хусусан уларнинг тоифалари билан маҳаллаларда самарали ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлашга бағишланган. Ушбу қўлланмадан маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари “уюшмаган ёшлар” билан ишларни ташкил қилишда фойдаланишлари мумкин.

МУҲДАРИҶА

КИРИШ	4
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	5
I. “УЮШМАГАН ЁШЛАР” (NEET YOUTH) ТУШУНЧАСИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ	7
1.1. “Уюшмаган ёшлар” (NEET YOUTH) тушунчаси	7
1.2. Ёшлар орасида ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари	8
1.3. Ёшларнинг меҳнат бозоридаги ўзига хос хусусиятлари	9
1.4. Меъёрий асослар.....	10
1.5. Ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишига тўсқинлик қилувчи омиллар	11
II. ФСПИРИН ЁШДАГИ ЁШЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТИ, ЛАЁҚАТИ, ҚИЗИҚИШЛАРИ ҲАМДА КАСБ-ХУНАРГА МОЙИЛЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ	12
2.1. Фспирин ёшдаги ёшлар билан ишлаш	12
2.2. Асосий вазифалар	13
2.3. Психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари	14
2.4. Касб-ҳунарга йўналтириш	17
2.5. Фқувчиларнинг касбга йўналганлигини ташхислаш методлари ва методикалари	18
III. “УЮШМАГАН ЁШЛАР” БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР	19
3.1. Маҳаллада ёшларни аниқлаш, уларнинг қизиқишлари ва имкониятларини ўрганиш	21
3.2. Ҳудудий меҳнат органлари томонидан уюшмаган ёшлар билан илашда вазифалари	22
3.3. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан уюшмаган ёшлар билан илашда вазифалари	22
IV. УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ	23
4.1. Маҳаллада аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш орқали бандликни таъминлашга кўмаклашиш	24
4.2. Ёшларга имтиёзли кредитлар бериш тартиби, тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари	25
4.3. Ёшларга ер бериш орқали бандлигини таъминлаш ва маҳаллада кичик саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик механизми	27
4.4. Бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган, шу жумладан доимий даромад манбаига эга бўлмаган ёшларни ижтимоий мослаштириш	28
V. МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БҒИЙЧА ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ	29
5.1. Фзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 312-сон қарорида “Уюшмаган ёшлар”га берилган имтиёзлар	30
5.2. “Уюшмаган ёшлар”ни қўллаб-қувватлаш.....	30
5.3. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг бандлигини таъминлаш	31
VI. МАҲАЛЛАДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИНИНГ УЮШМАГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ БҒИЙЧА ВАЗИФА ҲАМДА ВАКОЛАТЛАРИ	33
КЕЙСЛАР	40
САВОЛЛАР	41
ҚАЙДЛАР УЧУН	42

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятда ёшлар қатлами олиб борилаётган ислохотларнинг истиқболини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилувчи Ўзбекистон каби давлатларда бу омилнинг аҳамияти янада ошади. Чунки, ёшлар мамлакат аҳолисининг инсоний салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи муҳим стратегик ресурс ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ёшлар бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини белгилаб берувчи бунёдкор кучдир. Бироқ, ёшлар қатламида Президент Ш.Мирзиёев иборалари билан айтганда *“уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда”*. Улар томонидан содир этилаётган жиноятлар, турли меъёр бузиш ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги ушбу тоифадаги ёшларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Умумлаштирилган маълумотларга кўра (2022 й.), мамлакатимизда **1,5 миллиондан ортиқ “уюшмаган ёшлар” аниқланган**, уларнинг аксариятини хотин–қизлар ташкил этади.

Маълумот учун. Тадқиқодларга кўра жамиятда “Уюшмаган ёшлар”нинг (NEET Youth)мавжудлиги давлат учун юқори харажатларга олиб келиши мумкин, хусусан ривожланган давлатларда 16-18 ёшдаги ҳар битта уюшмаган ёш учун давлат томонидан тахминий харажатлари 70 минг АҚШ доллариға тенг (Coles et al.).

Шу муносабат билан маҳаллаларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, жумладан, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, даромад манбаини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етказиш мақсадида **“маҳалла бешлиги”** фаолияти **“уюшмаган ёшлар”** билан ягона ёндашув асосида ишлаш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Ушбу қўлланма **“Ёшлар баланси”** асосида **“уюшмаган ёшлар”** (NEET Youth), хусусан уларнинг тоифалари билан маҳаллаларда самарали ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш бўйича **“маҳалла бешлиги”** ва бошқа мутассадди ташкилотлар ходимлари учун янги асосда ишлаш имконини беради.